



## ON THE IMPORTANT ISSUES AT THE SCO SUMMITS

*Amanbay Turdimatov*  
*Independent Researcher*  
*University of World Economy and Diplomacy*  
*Tashkent, Uzbekiston*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Shanghai Cooperation Organization, Tianjin Declaration, Beijing's foreign policy strategy, Global Governance Initiative, multipolar world architecture, regional security.

**Received:** 03.02.26

**Accepted:** 04.02.26

**Published:** 05.02.26

**Abstract:** The article analyzes the outcomes of the 25th Summit of the Shanghai Cooperation Organization held on August 31 – September 1, 2025, in Tianjin, China. This summit marked a significant milestone in the organization's history in terms of both its scale and political importance. Recognized as the largest and most important event in the 24-year history of the SCO, the summit reflects the organization's transformation from a regional security bloc into a platform with growing geopolitical influence. The results and symbolism of the summit emphasize the strengthened role of the SCO as a key mechanism for regional integration and international cooperation.

### ШҲТ САММИТЛАРИДАГИ МУҲИМ МАСАЛАЛАРГА ОИД

*Аманбай Турдиматов*  
*Мустақил тадқиқотчи*  
*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети*  
*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Тяньцзинь декларацияси, Пекиннинг ташқи сиёсий стратегияси, Глобал бошқарув ташаббуси, кўпқутбли дунё архитектураси, минтақавий хавфсизлик.

**Аннотация:** Мақола 2025 йил 31 августдан 1 сентябргача Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 25-саммити якунларига ҳақида. Ушбу саммит ташкилот тарихида ҳам миқёси, ҳам сиёсий аҳамияти жиҳатидан муҳим санани нишонлади. ШҲТнинг 24 йиллик тарихидаги энг йирик ва энг муҳим воқеа сифатида эътироф этилган саммит ташкилотнинг минтақавий

хавфсизлик блокидан геосиёсий таъсири ортиб бораётган платформага айланишини акс эттиради. Саммит натижалари ва рамзийлиги ШХТнинг минтақавий интеграция ва халқаро ҳамкорликнинг асосий механизми сифатидаги ролини ошганини таъкидлайди.

## О ВАЖНЫХ ВОПРОСАХ НА САММИТАХ ШОС

**Аманбай Турдиматов**

*Независимый исследователь,*

*Университет мировой экономики и дипломатии*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Шанхайская организация сотрудничества, Тяньцзиньская декларация, внешнеполитическая стратегия Пекина, инициатива глобального управления, архитектура многополярного мира, региональная безопасность.

**Аннотация:** В статье анализируются итоги 25-го саммита Шанхайской организации сотрудничества, состоявшегося 31 августа – 1 сентября 2025 года в городе Тяньцзинь (Китай). Данный саммит стал важной вехой в истории организации как по масштабу, так и по своему политическому значению. Признанный крупнейшим и наиболее значимым событием за 24 года истории ШОС, саммит отражает трансформацию организации из регионального блока безопасности в платформу с возрастающим геополитическим влиянием. Итоги и символическое значение саммита подчеркивают усиление роли ШОС как ключевого механизма региональной интеграции и международного сотрудничества.

**Кириш.** Тяньцзинь саммити якунларини баҳолар экан, Хитой академик доиралари бу каби тадбирлар шунчаки дипломатик протокол мазмунидан анча кенг эканлигига алохида урғу бермоқдалар. Аслида, ушбу анжуман ХХРнинг глобал бошқарувни қайта кўриб чиқишдаги етакчилик ролини намойиш этувчи ўзига хос стратегик майдон вазифасини ўтади. Айниқса, 2025 йилги учрашув Пекин учун муҳим сахна бўлди: бу ерда ШХТ бўйича шерикларнинг жамоавий кўллови билан халқаро иерархияни қайта қуришга қаратилган аниқ мақсадлар кўзга ташланди [1 Sun, C., & Zhang, X. 2025].

**Муҳокама ва натижалар.** Хўш, ушбу саммитни айнан нима ажратиб туради? Биринчи навбатда, икки томонлама учрашувларнинг мисли кўрилмаган зичлигини инкор этиб бўлмайди. Си Цзиньпин атиги икки кун ичида камида 15 та юқори даражадаги

учрашув ўтказишга муваффақ бўлди; айниқса, Хиндистон Бош вазири Нарендра Модри билан бўлиб ўтган конструктив мулоқот диққатга сазовордир [2, Levin, Н. 2025]. Британиянинг Chatham House экспертлари таъкидлаганидек, бу Хитойни кўп кутбли дунёнинг асосий архитектори сифатида кўрсатишга қаратилган пухта ўйланган қадам бўлди. Бу, ўз навбатида, ҳозирда Ғарбда кузатилаётган изоляционистик тенденцияларга қарши билдирилган, босиқ, аммо қатъий геополитик жавобдир [3, Yu, J. 2025].

ШХТнинг эволюцияси ва глобал бошқарувдаги янги ташаббуслар.

Ғарчи Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг дастлабки ваколатлари минтақавий хавфсизлик ва терроризмга қарши кураш атрофида шаклланган бўлсада, бугунги кунда биз ушбу тузилманинг туб трансформациясига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ташкилот аста-секин «Глобал Жануб» минтақаси учун кенг қамровли «соёбон» вазифасини ўтай бошлади. Эндиликда у қатъий ҳарбий блок сифатида эмас, балки АҚШ етакчилигидаги мавжуд тартибга мослашувчан мафкуравий муқобил сифатида намоён бўлмоқда. Бу каби ўзгаришлар ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Глобал бошқарув ташаббусида ҳам ўз аксини топган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад — икки ёқлама стандартлар ва айрим давлатларнинг яқка ҳукмронлигига чек қўядиган, адолатли ва барқарор бошқарув моделини яратишдир [4, Xinhua 2025].

Шанхай халқаро тадқиқотлар институти эксперти Чжао Луннинг фикрича, ушбу йўналиш буюк давлатлар ўртасидаги зиддиятлар авж олган даврда ўта муҳим барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Анъанавий Ғарб институтларига муқобил излаётган «ўрта кучлар» (middle powers) учун Тяньцзинь саммити мураккаб бўлса-да, ишончли ривожланиш йўлини кўрсатиб берди. Ғарб эксперти Генриетта Левин (CSIS) таъкидлаганидек, Пекиннинг кенг кўламли ташаббуслари институционал тўсиқларга дуч келиши мумкин бўлса-да, саммит бир нарсани исботлади: Хитой энди шунчаки халқаро қоидаларга эргашувчи эмас, балки уларни фаол равишда қайта ёзаётган кучга айланди [2].

Глобал ривожланишнинг янги кийёфаси.

Тяньцзинь саммити атрофидаги воқеалар ШХТнинг кўп қиррали ролга ўтиш борасидаги қатъий қадамни кўрсатди. «Reuters» агентлиги таъкидлашича, «глобал бошқарув янги чорраҳада турибди» ва бу тизимли ўзгаришларнинг марказида айнан Хитой намоён бўлмоқда. Шунинг ҳам қайд этиш жоизки, ШХТнинг изчил институционаллашуви, айниқса Ғарбнинг кўп томонлама тузилмалари ўз таъсирини йўқотиб бораётган бир пайтда, санкциялар босимида учраган давлатлар учун ҳаётий муқобил йўлни таклиф этмоқда [5].

Экспертларнинг фикрича, бундай ёндашув геосий қарама-қаршиликларни авж олдириш ўрнига, адолатли ҳамкорликни рағбатлантиришга ва реал муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилади. Энг муҳими, ШХТнинг ривожланиши санкциялар ва камситувчи савдо чораларидан азият чекаётган мамлакатлар учун АҚШ бошчилигидаги кучсизланиб бораётган тизимларга нисбатан барқарор муқобил бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, нега айнан ҳозир? Нима учун ХХР Раис Си Цзиньпин ўзининг янги Глобал бошқарув ташаббусини (ГБТ, GGI) эълон қилиш учун айнан Тяньцзинь платформасини танлади?

Айтиш мумкинки, ГБТ Пекиннинг аввалги Глобал таклифларининг мантиқий давомидир. Менинг назаримда, ушбу ташаббуснинг ҳозирги босқичда илгари сурилиши иккита асосий омил билан боғлиқ:

□ Институционал ўзгариш зарурати: Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси каби ХХ асрдан қолган тузилмаларни ислоҳ қилишга бўлган уринишлар амалда муваффақиятсизликка учради. Бу эса глобал бошқарувда «эскириш» ҳиссини уйғотмоқда.

□ Инқироздан чиқиш учун ечим: Сув тақчиллиги ёки технологик тафовут каби ўта долзарб муаммоларни ҳал қилишда мавжуд халқаро тизимларнинг ожизлиги дунё ҳамжамиятида чуқур норризолик кайфиятини келтириб чиқарди.

Бугунги кунда кўплаб халқаро ташкилотлар тартибсизлик ва икки ёқлама стандартлар гирдобига ботиб қолган. Хитойнинг янги ташаббуси эса ўзгараётган глобал воқеликнинг аниқ эътирофидир. ХХРнинг ҳозирги таъсир кучи ва жаҳон сиёсатидаги ролини ҳисобга олсак, бу таклиф мутлақо мантиқий кўринади. Пекин ушбу мақсадларга ШХТ ва БРИКС каби тузилмалар доирасидаги ҳамкорлар билан биргаликда эришишга интиломоқда.

Бундан ташқари, Глобал бошқарув ташаббуси Хитойнинг нормалари ва қарашлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган халқаро органлар ролини кучайтиришни кўзда тутди. Бу БМТ ва бошқа глобал институтлардан «қоидаларга асосланган халқаро тартиб» (Пекин буни анчадан бери АҚШ гегемонияси учун ниқоб деб билади) сифатида эмас, балки адолатли мувозанат сифатида фойдаланишни англатади [4, Xinhua 2025].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ГБТ нафақат Хитой ташқи сиёсатини замонга мослаштиради, балки Пекиннинг «Глобал Жануб»даги мавқеини мустаҳкамлаш истагини ифодалайди. Бироқ, ташаббус амалиётда қатор қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Ҳозирча ГБТ кўпроқ концептуал характерда бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун шерик давлатлар билан ҳамкорликнинг аниқ «йўл харитаси» ва батафсил ишлаб чиқилган механизмларини яратишни талаб этади.

Ҳиндистон позициясидаги ўзгаришлар: Геосиёсий бурилиш.

Тяньцзиндаги ШХТ саммитининг энг муҳим воқеаларидан бири, шубҳасиз, Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг Хитойга ташрифи ва Тяньцзинь декларациясининг имзоланиши бўлди. Модининг ушбу иштироки саммитнинг геосиёсий мақомини янги босқичга кўтарди. Зеро, бу унинг 2020 йилдаги Галван водийсида юз берган Хитой билан чегара низосидан кейинги илк ташрифи ва сўнгги етти йил ичида дастлабки Хитой тупроғига қадам қўйишидир. Ушбу қадам Вашингтон томонидан кучайиб бораётган босимларга қарамай, Ҳиндистон ўз ташқи сиёсатида стратегик мустақилликни сақлаб қолишга интилаётганининг яққол рамзи бўлди. Дипломатик алоқаларнинг қайта тикланиши, тўғридан-тўғри авиақатновларнинг йўлга қўйилиши ва Ҳиндистоннинг якуний ҳужжатларни қўллаб-қувватлаши ШХТнинг ўзаро манфаатлари ва стратегиялари ҳар хил бўлган давлатлар учун ягона мулоқот майдони эканлигини яна бир бор исботлади [6].

Айниқса, Бош вазир Модининг Тяньцзинь декларацияси доирасида Исроил ва АҚШнинг Эронга қилган ҳужумларини қораловчи алоҳида бандни имзолагани кучли сиёсий сигнал бўлди. Бу вазият шуниси билан эътиборлики, шу йилнинг июнь ойида Ҳиндистон АҚШ ва Исроил билан стратегик шериклигини рўқач қилиб, Эрон бўйича ШХТнинг худди шундай қўшма баёнотига қўшилишдан бош тортган эди. Аммо саммит доирасида бу қарорлар ўзгааргани кўришимиз мумкин ва унинг қуйидаги сабалари мавжуд.

Биринчидан, АҚШ Президенти Дональд Трампнинг Ҳиндистонга нисбатан олиб бораётган қаттиқ тариф сиёсати ҳамда Россия нефти харидини камайтириш бўйича қўяётган талаблари. Эслатиб ўтиш жоизки, Россия нефти Ҳиндистон импортининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади. Оқ уйнинг бундай босими Ҳиндистон ҳукумати томонидан «нодўстона қадам» сифатида қабул қилинди ва мамлакатни ўз ташқи сиёсий устуворликларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди.

Иккинчидан, Ҳиндистон ШХТ доирасидаги имкониятларни юқори баҳолайди. Осиёнинг етакчи давлати сифатида у ташкилотга аъзо барча мамлакатлар - меҳнат бозори, инвестиция ёки қўшничилик бўлсин — яқин алоқаларни сақлаб қолишдан манфаатдор. Сиёсий кескинликларга қарамай, Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кенгаймоқда; Хитой Ҳиндистон иқтисодиёти учун жозибадор инвестор бўлиб қолмоқда. Қолаверса, Ҳиндистон Хитой ташаббуси билан тузилган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг энг йирик қарз олувчиларидан биридир, бу эса Пекин билан конструктив мулоқотни давом эттиришни тақозо этади.

Учинчидан, Марказий Осиёнинг иқтисодий салоҳияти Ҳиндистон учун стратегик аҳамиятга эга. Минтақа ва Россия йирик энергия ресурсларига эга эканлиги Нью-Дехлиннинг иқтисодий манфаатларига тўлиқ мос келади.

Тўртинчидан, ШХТ Ҳиндистонга нафақат Марказий Осиё, балки Ҳинд-Тинч океани ва Яқин Шарқ каби минтақаларда ҳам ўз стратегик иштирокини кенгайтириш учун қулай майдон вазифасини ўтайди.

Ғарбдаги айрим доиралар Трампнинг сиёсати Ҳиндистон билан яқинлашиш бўйича сўнги йигирма йиллик стратегияга путур етказаётганидан хавотирда. Уларнинг фикрича, бундай ёндашув Нью-Дехлини Россия ва Хитой билан янада яқинроқ бўлишга ундамоқда. Шу билан бирга, Ҳиндистон турли куч марказлари орасида моҳирона маневр қилиб, Ғарб учун «махсус» иттифоқчи бўла олиши ҳақидаги тасаввурни уйғотмоқда. Шундай қилиб, Ҳиндистоннинг Тяньцзинь декларациясини қўллаб-қувватлаши Хитойга нисбатан мафкуравий мойиллик эмас, балки глобал беқарорлик шароитида ташқи сиёсий мувозанатни сақлаш ва ўз позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган прагматик қадам сифатида баҳолаш мумкин.

ШХТ ролининг трансформацияси ва БРИКС билан уйғунлик.

ШХТнинг аҳамияти унинг бошқа кўп томонлама тузилмалар, айниқса БРИКС билан институционал жиҳатдан бир-бирини тўлдириши натижасида янада ортиб бормоқда. Ҳар икки ташкилот ҳам Хитой, Россия ва Ҳиндистонни бирлаштирган ҳолда, Ғарбга йўналтирилган глобал бошқарув моделларига муқобил бўла оладиган ўзаро боғлиқ тармоқларни шакллантирмоқда. Агар БРИКС асосий эътиборни иқтисодий мувофиқлаштиришга қаратган бўлса, ШХТ ўз кун тартибини минтақавий хавфсизлик, инфратузилмавий боғлиқлик, технологиялар ва молиявий инновациялар ҳисобига кенгайтирмоқда [7].

Геосиёсий нуқтаи назардан, ШХТ жаҳон тартиботининг кўп қутблилик сари юз тутаётган ҳозирги шароитида муҳим барқарорлаштирувчи омил сифатида кўрилмоқда. Ички зиддиятлар мавжудлигига қарамай, ташкилот консенсус, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик тамойилларига асосланган «Шанхай руҳи» орқали турли манфаатларни бирлаштириш бўйича ноёб қобилиятни намоиш этмоқда. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ШХТ Ғарб давлатлари, хусусан, АҚШ билан бевосита қарама-қаршиликка интилмайди. Аксинча, ташкилот Вашингтоннинг «бир томонлама» ташқи сиёсий ва иқтисодий ёндашувлари ҳамда аввалги глобал тартибнинг парчаланиши натижасида юзага келган геосиёсий бўшлиқни фаол тўлдирмоқда.

Бу контекстда ШХТ минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик масалаларида янада инклюзив ва прагматик ёндашувларни таклиф этмоқда. Инфратузилмавий боғлиқликни ривожлантириш, чидамли логистика ва савдо занжирларини яратиш ҳамда аъзо давлатлар ва шериклар барқарорлигини таъминлашга берилаётган эътибор ташкилотнинг стратегик иштирокини кенгайтиришга имкон бермоқда. Бу эса ШХТни нафақат Марказий Осиёда, балки Осий-Тинч океани минтақаси, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёни қамраб олган кенг Евроосиё худудида салмоқли ўйинчига айлантирмоқда.

**Хулоса.** Шундай қилиб, жаҳон сиёсатининг маркази Шарққа томон силжиётган бир пайтда, ташкилот минтақавий ва глобал хавфсизлик архитектурасининг ажралмас қисмига айланиб, муқобил ҳамкорлик механизмларини таклиф этмоқда. Саммитнинг муҳим жиҳатларидан бири — унда нафақат аъзо давлатлар, балки АҚШ билан савдо кескинликларига дуч келаётган АСЕАН мамлакатларининг ҳам фаол иштироки бўлди. Баъзи экспертларнинг фикрича, Малайзия ва Индонезия каби давлатлар ШХТни Осиё-Тинч океани бозорларига чиқиш ва ўз халқаро мақомини юксалтириш учун муҳим платформа сифатида кўрмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Sun, C., & Zhang, X. (2025). How Chinese Scholars View the 2025 SCO Summit. ChinAffairs+. Доступно на: <https://www.chinaaffairsplus.com/p/podcast-unpacking-the-2025-sco-summit>.
2. Levin, H. (2025). China Showcases Global Ambitions at Shanghai Cooperation Organization Summit. Center for Strategic and International Studies (CSIS). Доступно на: <https://www.csis.org/analysis/china-showcases-global-ambitions-shanghai-cooperation-organization-summit>.
3. Yu, J. (2025). China is using the SCO summit and Victory Day parade to showcase its vision of a new world order. Chatham House. Доступно на: <https://www.chathamhouse.org/2025/09/china-using-sco-summit-and-victory-day-parade-showcase-its-vision-new-world-order>.
4. Xinhua. (2025). Full text of Xi Jinping's speech at the 'Shanghai Cooperation Organization Plus' Meeting. The State Council of the People's Republic of China. Доступно на: [https://english.www.gov.cn/news/202509/01/content\\_WS68b584acc6d0868f4e8f53c8.html](https://english.www.gov.cn/news/202509/01/content_WS68b584acc6d0868f4e8f53c8.html).
5. Chen, L., & Chu, M. M. (2025). China's Xi pushes a new global order, flanked by leaders of Russia and India. Reuters. Доступно на: <https://www.reuters.com/world/china/chinas-xi-pushes-new-global-order-flanked-by-leaders-russia-india-2025-09-01/>.

6. Zhao, L. (2025). The SCO's Role in a Fragmented Global Order. Shanghai Institute for International Studies (SIIS).

7. Ministry of Foreign Affairs of the PRC. (2025). Tianjin Declaration of the Twenty-Fifth Meeting of the Council of Heads of State of the SCO Member States.